

## Тилдаги муаммолар



09:00 / 20.05.2023 1287

Гўзал сўзлардан сўзлаб, хунук сўзлардан тилни тийиш ҳақида Асмо ибн Хорижа айтади: «Мен ҳеч кимни сўкмадим (ҳатто жавобан ҳам). Чунки, мени сўкадиган одам икки кишидан бири бўлади: ё аслида олижаноб одам бўлиб, ундан тойилиш содир бўлиб, сўкади. Шунда мен уни кечириб, бу борада фазл ва устунликни қўлга киритишга ҳақлироқ бўламан. Ёки (мени сўкадиган киши) пасткаш одам бўлади. Шунда (у билан сўкишиб) ўз ирзимни унга нишон қилиб беришим ярамайди».

У кўпинча, Ҳотам Тоийнинг қуйидаги байтини зарбул масал қиларди:

**رَاخْدَا مِي رَكْلَا اَرْوَعُ رَفْعَاو  
اَمْرِكْت، مِي ئَلَل مَتَش نَم ح ف ص ا و**

Маъноси: карамли, яхши инсоннинг (менга нисбатан айтган) ёмон сўзини унинг дўстлигини сақлаб қолиш учун кечираман. (Мени сўккан) пасткаш кимсани сўкишдан эса ўзимни олий тутаман. (Ибн Абуддунё: ал-Ҳилм: 74-бет).

Умайя ибн Абдуллоҳ ҳикоя қилади: «Умар ибн Абдул Азиз ҳузурида эдик. Бир киши бошқасига: «фалон нарса қўлтиғинг тагида» деди. Шунда Умар

ибн Абдул Азиз: «имкон қадар энг гўзал сўзлар билан гапиришга нима тўсқинлик қилади сизларга?», дедилар.

«У қандай бўлади?», деган эди, Умар: «бояги одам (қўлтиғинг тагида, демасдан) «қўлинг тагида», деганда эди чиройлироқ бўларди», дедилар. (Ал-Жомеъ лиахлоқир-ровий: 1-жилд, 404-бет).

Имом Шофеийнинг буюк шогирди ва фикҳий мазҳабининг ёйилишига энг катта ҳисса қўшган инсон бўлмиш Исмоил ибн Яҳё Музаний ҳикоя қилади: «Бир куни Шофеий ҳузурида «фалончи каззобдир», дедим. Буни эшитган Шофеий менга ўғит берди: «Эй Абу Иброҳим (Музанийнинг куняси), сўзларингга энг гўзал либослардан кийдир. «Фалончи каззобдир!», дема, балки «ҳадиси эътиборли эмас», дегин». (Фатҳул Муғис: 2-жилд, 128-бет)

Муҳаддислар ҳадисларга кўпинча ровийларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда баҳо берганлар. Ростгўй ва ишончли ровийларни ундай бўлмаганлардан ажратиб олиш учун, ҳамда тўқима ҳадислар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида ёлғон тўқиш билан танилган, ишончсиз кимсаларга нисбатан «каззоб (ёлғончи)», «ваззоъ (ҳадис уйдирувчи)» каби огоҳлантирувчи сўзларни ишлатганлар.

Лекин, айрим олим ва муҳаддислар бундай кескин сўзлар ўрнига «фийҳи назар (унда мулоҳаза бор)», «ҳадисуху лайса бишайъ (ҳадиси эътиборли эмас)» каби юмшоқ сўзларни қўллашни афзал кўрганлар. Бу ҳам бўлса, уларнинг одобу ахлоқда юксак ўринни эгаллаганликларидан ҳамда хунук сўзни ишлатишдан йироқ бўлишга ҳарис бўлганликларидандир.

Мусанно ибн Саббоҳ айтади: «Ваҳб ибн Мунаббих қирқ йил давомида жони бўлган бирор нарсани сўкмади» (Сияру аъломи-н-нубало: 4-жилд, 547-бет).

Осим ибн Абун Нажуд айтади: «Абу Воилнинг на инсонни, на ҳайвонни сўкканини кўрдим (яъни унинг асло-асло бирор кимсани ёки ҳайвонни сўкканига гувоҳ бўлмадим)». (Сияру аълومин-нубало: 4-жилд, 164-бет).

Иброҳим Таймий айтади: «Рабийъ ибн Хусаймга йигирма йил давомида

ҳамроҳ бўлган инсон айтиб берди: «унинг оғзидан бирорта ҳам хунук сўз чиққанини эшитмадим». (Имом Аҳмад. Зуҳд китоби: 562-бет).

Ҳасан ибн Башшор айтади: «Ўттиз йилдирки, узр сўрашга эҳтиёж сезадиганим бирорта (ёмон) сўз гапирмадим». (Табақоту-л-ҳанобила: 2-жилд, 57-бет).

Изоҳ: Асмо ибн Хорижа (эркак исми) арабларнинг аслзода, карамли ва олийжанобларидан, шарафли ва саййидларидан эди. У ўзининг саховати, донишмандлиги, кечиримлилиги ва гўзал хулқи билан донг таратган.

Ҳотам (асли Ҳотим) Тоий яъни «Тойъ қабиласига мансуб Ҳотим» исломдан аввал, жоҳилия даврида яшаб ўтган ва ўзининг олийжаноблиги, саховати ва шоирлиги билан машҳур бўлган шахс. Тойъ қабиласининг сардори эди.

Осим ибн Абун Нажуд Куфий машҳур қироат ва наҳв имомларидан бири.

**Алишер Султонходжаев**

???? ????? (???? ?????) ?????????? ?????????????? ??? ?????? ??????  
???????????? 2023 ??? 14 ?????????? 03-07/1733-????????? ?????????? ??????????  
?????????????